

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Ёшлар ишлари агентлиги**  
**директори ўринбосари –**  
**Харид комиссияси раиси**



\_\_\_\_\_ Д.Каттаханова

Сурдо-таржимонлик бўйича ташкил этилган 15 кунлик ўқув-семинарларнинг ижтимоий тармоқлар (блогерлар)да ёритилиши ҳамда хар кунлик семинар-тренинглр акс этган медиа махсулот ва фотоальбом тайёрлаш юзасидан

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ**  
**ҲУЖЖАТИ**

Тошкент 2022 йил

Handwritten text at the top of the page, possibly a header or title, which is mostly illegible due to blurring.

Handwritten text below the header, possibly a date or reference number.

Main body of handwritten text, consisting of several lines of illegible script.

Xia

### III. БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

#### 1. Умумий маълумотлар

1.1. Тўлик номи: Сурдо-таржимонлик бўйича ташкил этилган 15 кунлик ўқув-семинарларнинг ижтимоий тармоқлар (блогерлар)да ҳамда ҳар кунлик семинар-тренинглар акс этган медиа маҳсулотни тайёрлаш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш.

1.2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги.

1.3. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни тайёрлаш ва ишларни бажариш бўйича энг яхши таклиф: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлаш натижаларига кўра аникланади.

1.4. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг максимал нархи: ҚҚС билан **65 000 000 (Олтмиш беш миллион) сўм.**

1.5. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни тайёрлаш ва бажариш муддати: **30 кун.**

1.6. Молиялаштириш манбалари: Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

#### 2. Техник талаблар

2.1. Сурдо-таржимон (имо-ишора тили) бўйича ташкил этилган 15 кунлик ўқув-семинарларнинг ижтимоий тармоқлар (блогерлар)да ҳамда ҳар кунлик семинар-тренинглар акс этган медиа маҳсулотни тайёрлаш юзасидан техник вазифа:

Тасвирга сифат бўйича талаблар: 16:9 форматда 20 bitrate Full HD (1920x1080) ёки 4K (3840x2160);

Видеодаги овоз бўйича талаблар: 320кбс stereo AAC форматдаги сифатда;

Видеолар сони: 2та;

Видеолар давомийлиги: 1 таси 3 дақиқа 1 таси 10 дақиқа;

Жанр: ижтимоий ролик;

Қўшимча: Жараёнлар жамлаштирилган ҳисобот фотоальбоми (камида 10 варақ);

Ёритиш: 5 та блогерларнинг телеграм каналларида (файзбоғ, Баҳодир Аҳмедов, Шахноза Соатова, Давлетов, dayo.uz);

Мавзу: Имо-ишора тили бўйича ўтказиладиган ўқув-семинар жараёнларини 15 кун давомида бўлган воқеаларини таъсирчан қилиб ишлаш;

Видео маҳсулотларнинг ишчи тили ўзбек тили бўлиб, қўшимча равишда рус тилида субтитрлар жойлаштирилиши талаб этилади;

Ижтимоий роликлар сценарийси олдиндан Буюртмачига тасдиқлаб олиниши талаб этилади. Ишлаб чиқарувчи ёшларга оид давлат сиёсатини тарғиб қилувчи (Президентнинг 5 муҳим ташаббуси, ёшлар тадбиркорлиги, бандлик) ҳамда ижтимоий (Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва ногиронлиги бўлган ёшлар ҳаёти) каби роликларни тайёрлаш бўйича тажрибага эга бўлиши, ишлаб чиқарувчи томонидан яратилган маҳсулотлар республиканинг марказий телеканаллари орқали эфирга узатилган бўлиши лозим.

Роликлар қуйидаги техник ускуналарда тасвирга олиниши талаб этилади:

RED DRAGON (Кинокамера);

Кино оптика 15мм, 24мм, 35мм, 50мм, 135мм;

Релс Тележка (PANTHER);

Оператор крани 12 м;

Steadicam;

Дрон;

Монтаж (профессионал, рангли коррекция, VFX графика).

Видео маҳсулотни ишлаб чиқувчиларда тасвирга олиш ускуналари ва мутахассислар бўлиши талаб этилади.

Муаллифлик ҳуқуқлари бўйича талаблар: Видео маҳсулотни яратишнинг барча босқичларида маҳсулотни Яратувчи амалдаги қонунчиликка амал қилган ҳолда видео маҳсулотдаги тасвирлар, ёзув кўринишидаги матнлар, товушлар, мусиқалар, овозлардан фойдаланиш талаб этилади. Сиз тақдим этган видео маҳсулотда муаллифлик ҳуқуқлари

бузилган ҳолатда, қайта таҳрир қилиш талаб этилади. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда видео маҳсулот Буюртмачи томонидан қабул қилинмайди.

Видео маҳсулотни ишлаб чиқувчилар видеонинг бошланғич қисмида Буюртмачининг логосини жойлаштириши талаб этилади.

Шу билан биргаликда ишлаб чиқилган видео маҳсулот ишлаб чиқувчининг муаллифлик ижодий мулки ҳисобланиб, тасдиқдан ўтган тақдирда эркин тарқатиш ва фойдаланиш имкониятига эга.

Бир видео маҳсулотни ишлаб чиқилиши жараёнига белгиланган муддат: ўқув семинар ўтгандан сўнг 5 календарь куни.

Видео маҳсулотни ишлаб чиқувчи Буюртмачининг тасдиқлашидан кейингина интернет тармоғига жойлаштиришга рухсат берилади.

Видео маҳсулот ишлаб чиқувчи жамоадан вакил буюртмачи томон билан доимо алоқада бўлиши ва жараёнлардан хабардор қилиб туриши тавсия этилади.

# VI-БОБ. ШАРТНОМА НАЪМУНАСИ

№ \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳри

“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи унинг директори А. Саъдуллаев бир томондан ва \_\_\_\_\_ (қуйида матнда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи унинг раҳбари \_\_\_\_\_, иккинчи томондан, Сурдо-таржимонлик бўйича ташкил этилган 15 кунлик ўқув-семинарларнинг ижтимоий тармоқлар (блогерлар)да ҳамда ҳар кунлик семинар-тренинглар акс этган медиа маҳсулотни тайёрлаш (кейинги ўринларда – Лойиха деб юритилади)ни бажаришга доир мазкур шартномани тузиб имзоладилар.

## 1. Шартнома предмети

1.1. “Ижрочи” мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ техник ишлар бўйича \_\_\_\_\_ ишларини бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

“Буюртмачи” эса маҳсулот (иш, хизмат)ларни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Шартноманинг умумий қиймати (*Танлов комиссиясининг 2022 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон баённомасига асосан*) \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўми ташкил этади.

1.3. Ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилмаган ишлар, лойиха структурасини тубдан ўзгартирадиган қўшимчалар янги шартнома асосида ишлаб чиқилади.

## 2. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

2.1. “Буюртмачи” “Ижрочи”га:

шартнома бўйича лойиха (шартнома) қийматининг 30 фоизи \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм миқдоридан маблағни олдиндан ўтказиб беради;

шартнома бўйича лойиха (шартнома)нинг қолган қийматининг 70 фоизи \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўми 10 (ўн) кун ичида амалга оширади.

2.2. Тўлов Буюртмачи томонидан давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

## 3. Ишларни бажариш муддати

3.1. “Ижрочи” ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришга киришади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича электрон ҳужжат алмашинув тизимини ишлаб чиқиш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб \_\_\_\_\_ кун этиб белгиланди.

## 4. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

4.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

4.2. Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

4.3. 4.2-бандда назарда тутилган муддат тугаганда тарафлардан бири ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларини бажармаган бўлса, ушбу шартнома тарафларнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарган муддатга қадар узаяди.

## 5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. “Ижрочи”нинг ҳуқуқлари:

шартнома ҳақини тўлашни талаб қилиш;

шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни талаб қилиш;

лойихага оид таклифлар бериш ва «Буюртмачи»дан яқуний қарорларни талаб қилиш;

лойихани ишлаб чиқиш жараёнида зарурат бўлса, айрим махсус қисмларни бажариш учун ёрдамчи жалб қилиш.

5.2. «Ижрочи»нинг мажбуриятлари:

лойиханинг техник шартларини ишлаб чиқиш ва Буюртмачи билан уни келишиш;

лойихага мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартномада белгиланган муддатда

«Буюртмачи»га топшириш;

«Буюртмачи»нинг розилигисиз лойихани учинчи шахсларга бермаслик;

тайёрланган лойиха асосида учинчи шахсларда ишни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини қафолатлайди, ушбу кўринмас ишлар рўйхати амалдаги меърий ҳужжатларга асосан лойихада кўрсатиш;

ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан мазкур шартноманинг иловасига асосланиб бажариш;

лойихани “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

5.3. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни талаб қилиш;

шартномада кўрсатилган муддатда лойихани топширишни талаб қилиш.

5.4. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун “Ижрочи”га ҳақ тўлаш;

лойихадаги хато камчиликларни улар вужудга келган пайтдан ўн кун ичида “Ижрочи”га маълум қилиш;

лойиха қабул қилиб олинганлигини ёзма равишда тасдиқлаш.

## **6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

6.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш давомида «Буюртмачи»нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгилловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.2. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналлишларини оидинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган мажбуриятлар юклатилади.

6.3. Ўзаро ҳисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

6.4. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар аниқланганда «Ижрочи»уларни беғараз бартараф этади.

## **7. Лойиха бўйича муаллифлик ҳуқуқлари**

7.1. Мазкур шартнома бўйича иш жараёнида ҳосил бўлган лойиханинг муаллифлик ҳуқуқи ва ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

7.2. «Ижрочи»нинг хизмат кўрсатиш белгиси мижознинг веб-сайтида жойлаштирилади.

7.3. Лойиха Буюртмачига сотиш ва лойихани кўпайтириш ҳуқуқисиз топширилади.

## **8. Тарафларнинг жавобгарлиги**

8.1. «Буюртмачи» лойихани қабул қилиб олган кундан бошлаб 10 (ўн) календар куни мобайнида лойихадаги семантик, орфографик ва грамматик хатоларни, носоз гиперҳаволалар, юкланмаётган расмлар ва бошқа хатоликлар мавжудлигини текшириб чиқиши ва камчилик ёки хатолик топилган тақдирда «Ижрочи»га хабар бериши лозим.

«Ижрочи» лойихадаги аниқланган хатоликларни ўз ҳисобидан 7 (етти) иш куни мобайнида бартараф этиши шарт.

8.2. Лойихада камчиликлар аниқланган тақдирда «Ижрочи» «Буюртмачи»нинг талаби билан лойихани бепул қайта ишлаб чиқиш ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

8.3. Мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, “Буюртмачи” томонидан берилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун «Буюртмачи» «Ижрочи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши «Буюртмачи»ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

8.4. «Ижрочи» лойихани ўз вақтида топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги

учун «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

«Буюртмачи» томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун «Ижрочи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш «Ижрочи»ни ишларни бажаришнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

8.5. Агар бажарилган ишлар лойихага мувофиқ бўлмаса, «Буюртмачи» «Ижрочи»дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 15 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

8.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8.7. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

### **9. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс-мажор)**

9.1. Агар томонлар мажбуриятни қисман ёки тўла ижро этмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

9.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, «Ижрочи» ва «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### **10. Низоларни ҳал этиш тартиби**

10.1. Шартнома тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек, келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган баҳслар ўзаро муҳокама қилиниб келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

### **11. Шартномани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш**

#### **ҳамда бекор қилиш тартиби**

11.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

11.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шarti билан йўл қўйилади.

11.3. «Ижрочи»нинг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, «Буюртмачи» шартномани бекор қилишга ҳақли.

11.4. «Ижрочи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари «Буюртмачи» томонидан бир ойдан ошиқ муддатга тўхтатилса, «Буюртмачи» лойихалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, «Ижрочи» шартномани бекор қилишга ҳақли.

11.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгача эътироз билдирмаса шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

### **12. Шартноманинг алоҳида шартлари**

12.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

12.2. «Ижрочи» лойихани «Буюртмачи»нинг ёзма рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

12.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

12.4. «Буюртмачи» билан «Ижрочи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритиш орқали ёзма равишда тасдиқлашлари керак.

12.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

12.6. Ушбу шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади

12.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

## **XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:**

**Буюртмачи**

**Ижрочи**

**Ўзбекистон Республикаси  
Ёшлар ишлари агентлиги**

г.Ташкент Шайхонтохур район,  
ул.Навой, 11А уй.

х/р

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҒАЗНАЧИЛИГИ

АМАЛИЁТ БОШҚАРМАСИ

МФО 00014

ИНН 207 323 290

ҲҚКМ “МАРКАЗИЙ БАНК”

Тошкент шаҳар бош бошқармаси

ҒАЗНА ҲИСОБВАРАҒИ:

23402000300100001010

**М.Ў \_\_\_\_\_ А.Саъдуллаев**





## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI DIREKTORINING FARMOYISHI

20 22y. " 08 " aprel

№ 01-09/38

### Surdo-tarjimonlik o'quv-seminarlarining ikkinchi bosqichini tashkil etish to'g'risida

O'zbekiston Respublikasining "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi Qonuni 7<sup>1</sup>-moddasiga asosan, nogironligi bo'lgan yoshlarni ijtimoiy himoya qilish maqsadida:

1. Toshkent shahrida surdo pedagoglarning imo-ishora tili bo'yicha malakasini oshirish loyihasining ikkinchi bosqichi (keyingi o'rinlarda – loyiha) tashkil etilsin.

2. Loyihani tashkil etish bilan bog'liq sarf-xarajatlar smetasi ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

3. Xarajatlar Yoshlar ishlari agentligi markaziy apparatining Yoshlarga oid davlat siyosatini qo'llab-quvvatlash jamg'armasi mablag'lari hisobidan amalga oshirilsin.

4. Yoshlar ishlari agentligi markaziy apparati:

a) Ishlar boshqarmasi (M.Tabibullayev)ga loyihani tashkil etish bo'yicha xizmatlarni qonunchilikda belgilangan tartibda xarid qilish;

b) Moliya-iqtisod boshqarmasi bosh hisobchisi (J.Rasulov)ga loyihani amalga oshirish uchun belgilangan pul mablag'larini amalga oshirish;

d) Axborot va media xizmati (N.Abduqodirov)ga loyiha doirasidagi tadbirlarni ommaviy axborot vositalarida keng yoritib borish choralarini ko'rish;

e) Ijtimoiy himoyaga muhtoj yoshlar bilan ishlash bo'limi (Sh.Xonimov)ga:

loyihani yuqori saviyada tashkil etish hamda bu boradagi vazifalarning o'z vaqtida va sifatli amalga oshirilishini nazorat qilish;

amalga oshirilgan ishlar natijalari yuzasidan 10 kun muddat ichida Agentlik markaziy apparati Axborot-tahlil va ijro nazorati boshqarmasi hamda Moliya-iqtisod boshqarmasiga belgilangan tartibda hisobot topshirish vazifalari yuklatilsin.

5. Ushbu farmoyish ijrosini nazorat qilish direktor o'rinbosari D.Kattaxanova zimmasiga yuklatilsin.

Direktor



A. Sa'dullayev

**Surdo pedagoglarning imo-ishora tili bo'yicha malakasini oshirish  
loyihasining ikkinchi bosqichini tashkil etish bilan bog'liq sarf-xarajatlar  
SMETASI**

<b>№</b>	<b>Xarajat nomi</b>	<b>O'Ich ov birligi</b>	<b>Soni</b>	<b>Narxi</b>	<b>Umumiy summasi</b>
<b>Tashkiliy xarajatlar</b>					
1.	Surdo-tarjimonlik o'quv-seminarining 34 nafar Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlardan kelgan ishtirokchilar uchun 15 kunlik mehmonxona xizmati (6 nafar Toshkent shahri ishtirokchilari yotoqxona xizmatidan foydalanmaydi)	nafar	34	270 000	137 700 000
2.	Surdo-tarjimonlik o'quv-seminarining Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahrining 40 nafar ishtirokchilari, 8 nafar treneri, 1 nafar koordinatorlariga 15 kunlik tushlik.	nafar	49	70 000	51 450 000
3.	Surdo-tarjimonlik o'quv-seminarining Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahrining 40 nafar ishtirokchilari, 8 nafar treneri, 1 nafar koordinatorlariga 15 kunlik kechki ovqat.	nafar	49	70 000	51 450 000
4.	Surdo-tarjimonlik o'quv-seminarining Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahrining 40 nafar ishtirokchilari, 8 nafar treneri, 1 nafar koordinatorlariga 15 kunlik 15.00dagi ikkinchi kofe-breyk.	nafar	49	10 000	7 350 000
5.	Surdo-tarjimonlik bo'yicha tashkil etilgan 15 kunlik o'quv-seminarlarning ijtimoiy tarmoqlar (bloggerlar)da yoritilishi hamda har kunlik seminar-treninglar aks etgan media mahsulot tayyorlash xizmati. (2 ta video mahsulot, 5 ta bloggerlar fayzbog', Bahodir	dona	1	65 000 000	65 000 000

	Axmedov, Shaxnoza Soatova, Davletov, daryo.uzda yoritish, 1 ta fotoalbom) *				
<b>Jami:</b>			<b>312 950 000</b>		
<b>O'quv-mashg'ulotlar xarajatlari</b>					
6.	Imo-ishora tilini o'rgatuvchi 2 nafar trenerining 14 kunlik 84 soat seminar-treningi uchun xizmat haqi (1 soat*120 000 so'm, 1 kun x 6 soat, soat hajmini hisobga olgan holda).	nafar	2	10 080 000	20 160 000
7.	Ijtimoiy va tabiiy fanlarni o'qitishda imo-ishora tilini qo'llash metodikasini o'rgatuvchi 2 nafar trenerining 14 kunlik 84 soat seminar-treningi uchun xizmat haqi (1 soat*120 000 so'm, 1 kun x 6 soat, soat hajmini hisobga olgan holda).	nafar	2	10 080 000	20 160 000
8.	Yordamchi trenerlar (o'quv materiallarini tayyorlaydi, asosiy trener bilan navbatma-navbat seminar-trening o'tadi) 2 nafar trenerining 14 kunlik 84 soat seminar-treningi uchun xizmat haqi (1 soat*95 000 so'm, 1 kun x 6 soat, soat hajmini hisobga olgan holda).	nafar	2	7 980 000	15 960 000
9.	Amaliy va aktyorlik mahoratining 2 nafar treneri 14 kunlik 28 soat seminar-treningi uchun xizmat haqi. (Zaif eshituvchilar tomonidan tashkil etiladi) (1 soat*120 000 so'm, 1 kun x 28 soat, soat hajmini hisobga olgan holda).	nafar	2	3 360 000	6 720 000
10.	Surdo-tarjimonlik o'quv-seminarining 1 nafar koordinatori (Seminarlarni tashkil etish, trenerlarning yakuniy hisoblarini amalga oshirish va hisobotlarni tayyorlab taqdim etish.) uchun 15 kunlik xizmati uchun 1 martalik to'lov	nafar	1	3 000 000	3 000 000
11.	Surdo-tarjimonlik trenerlar hamda kordinatorlar xizmat haqi uchun yagona ijtimoiy to'lov 25% soliq to'lovi uchun	nafar	9	16 500 000	
<b>Jami:</b>			<b>82 500 000</b>		
<b>JAMI:</b>			<b>395 450 000</b>		

\* Media mahsulotga texnik vazifa :

**Tasvirga sifat bo'yicha talablar:** 16:9 formatda 20 bitrate Full HD (1920x1080) yoki 4K(3840x2160)

**Videodagi ovoz bo'yicha talablar:** 320kbs stereo AAC formatdagi sifatda.

**Videolar soni:** 2ta.

**Videolar davomiyligi:** 1 tasi 3 daqiqa 1 tasi 10 daqiqagacha

**Janr:** ijtimoiy rolik

**Qo'shimcha:** Jarayonlar jamlashtirilgan hisobot fotoalbom

**Yoritish:** 5 ta blogerlarning telegram kanallarida (fayzbog', Bahodir Axmedov, Shaxnoza Soatova, Davletov, daryo.uz)

**Mavzu:** Imo-ishora tili bo'yicha o'tkaziladigan o'quv-seminar jarayonlarini 15 kun davomida bo'lgan voqealarini tasirchan qilib ishlash.

Video mahsulotlarning ishchi tili **O'zbek tili** bo'lib, qo'shimcha ravishda Rus tilida subtitrlar joylashtirilishi talab etiladi.

Ijtimoiy roliklar **ssenariysi oldindan Buyurtmachiga tasdiqlab olinishi** talab etiladi.

Ishlab chiqaruvchi yoshlarga oid davlat siyosatini targ'ib qiluvchi (Prezidentning 5 muhim tashabbusi, yoshlar tadbirkorligi, bandlik) hamda ijtimoiy (Mehribonlik uyi tarbiyalanuvchilari hayoti) kabi **roliklarni tayyorlash bo'yicha tajribaga ega bo'lishi**, ishlab chiqaruvchi tomonidan yaratilgan mahsulotlar respublikaning **markaziy telekanallari orqali efirga uzatilgan** bo'lishi lozim.

**Roliklar quyidagi texnik uskunalarda tasvirga olinishi talab etiladi:**

RED DRAGON (Kinokamera)

Kino optika 15mm, 24mm, 35mm, 50mm, 135mm

Rels Telejka (PANTHER)

Operator krani 12m

Steadicam

Dron

**Montaj** (professional, rangli korreksiya, VFX grafika).

**Mualliflik huquqlari bo'yicha talablar:**

Video mahsulotni yaratishning barcha bosqichlarida mahsulotni yaratuvchi amaldagi qonunchilikka amal qilgan holda video mahsulotdagi tasvirlar, yozuv ko'rinishidagi matnlar, tovushlar, musiqalar, ovozlardan foydalanish talab etiladi. Siz taqdim etgan video mahsulotda mualliflik huquqlari buzilgan holatda, qayta tahrir qilish talab etiladi. Buning iloji bo'lmagan taqdirda video mahsulot **Buyurtmachi tomonidan qabul qilinmaydi.**

Video mahsulotni ishlab chiquvchilar videoning boshlang'ich qismida **Buyurtmachining logosini** joylashtirish talab etiladi.

Shu bilan birgalikda ishlab chiqilgan video mahsulot **ishlab chiquvchining mualliflik ijodiy mulki** hisoblanib, tasdiqdan o'tgan taqdirda erkin tarqatish va foydalanish imkoniyatiga ega.

**Bir video mahsulotni ishlab chiqilishi jarayoniga belgilangan muddat:** 5 kalendar kuni.

Video mahsulotni ishlab chiquvchi Buyurtmachining tasdiqlashidan keyingina **internet tarmog'iga joylashtirishga** ruxsat beriladi.

Video mahsulot ishlab chiqaruvchi tomonga to'lov uch bosqichda amalga oshiriladi. Birinchi bosqichda **30 foiz**, ikkinchi bosqichda **60 foiz**, uchinchi bosqichda **10 foiz** shaklida mablag'lar to'lab beriladi. Video mahsulot ishlab chiquvchi jamoadan vakil buyurtmachi tomon bilan doimo aloqada bo'lishi va jarayonlardan xabardor qilib turishi tavsiya etiladi.